# Одобнома

*«Тарбия бизлар учун ё ҳаёт -- ё мамот, ё нажот ё — ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».*

Абдулла АВЛОНИЙ.

*Мозийга назар*

## ИНСОНИЙЛИКНИ КУЙЛАГАН СИЙМО

***Маънавиятимиз сарчашмаларидан бири, улуғ мутафаккир, шеърият осмонининг ёруғ юлдузларидан ҳисобланмиш Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистоннинг Патиалу мавзеида таваллуд топган. Унинг отаси Сайфиддин Маҳмуд Кеш (Шаҳрисабз)дан бўлиб, мўғулларнинг хунрезлиги туфайли ватанини тарк этиб Ҳиндистонга бориб қолади.***

***Ҳали йигирма ёшга етмасдан истеъдодли шоирнинг донғи узоқ-узоқларга етади. Хусрав Деҳлавийни Алишер Навоий «Мўъжизбаён шоир» деб атаган ва ўзининг устозларидан бири деб ҳисоблаган. Мутафаккир машҳур «Панж-ганж» асарининг муаллифидир. Улар «Матлаул Анвор», «Ширину Хусрав», «Мажнуну Лайло», «Ойнаи Искандарий» ва «Хашт Беҳишт» достонлари шулар жумласидандир. Машҳур сўз заргари Амир Хусравнинг қаламига «Хизирхон ва Дуволройи» асари ва ўндан ортиқ девон, достонлар ҳам мансуб. Амир Хусрав Деҳлавийнинг адабий мулки ўзининг жозибаси билан, ноёб истеъдод меваси сифатида мана инсониятга етти асрдан буён хизмат қилиб келяпти. Турон қони жисмида сизган ушбу алломанинг қимматли мажмуалари юртдошларимизнинг маънавий бойлигига айланишига ишончимиз комил. Биз моҳир сўз устаси, гўзал ва нафис ижод соҳиби Деҳлавий ҳазратларининг бой меъросидан, одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳикматларидан бир шингилини «Оқшом» газетасининг азиз ўқувчилари диққатига ҳавола қилишга жазм этдик.***

### БИР ҚАТРА СУВ

Шак-шубҳасиз оламнинг онгли бўлаги бўлган инсон борлиқнинг безаги ҳамдир. Мавлоно Деҳлавий инсон фаолиятининг чексизлиги ҳақида тўхталади. У одамзотни оламдан ҳам кенгроқ деб таърифлайди. «Оламга сиғмағувчи жон» эканлигини, ягона ақлли мавжудот бўлганлиги учун ҳам тиниб-тинчимаслиги, доимо ҳаракатда бўлиш, муаммоларни ечишни, билмаганини билиш учун ўрганишию изланишини мадҳ этади. Аллома ушбу фикрларни ривожлантириб, одамнинг бунёдкорлигини, унинг яратувчанлигини кўкларга кўтариб, тилсимотлар сирини очувчи калит деб таърифлайди:

**Калит бўлиб келдинг, ўйинчоқ эмас,**
**Бир-бир хазиналар оча олсанг бас.**

Аллома таъкидлаганидек, одамзот ўйинчоқ эмас. У ҳар нарсага қодир, буюк ва қудратли кучдир. Одамзот табиатга ўз кучини кўрсата оладиган, унга таъсир қила оладиган ва измига бўйсундира оладиган соҳибдир. Ижодкор ҳам инсон, ихтирочи ҳам у. Кашфиётлар ҳам улар измидан, заҳардан малҳам, тошдан гавҳар тайёрлайди, Одамларнинг қобилияти чексиз, фаолияти бепоёндир. Ана шу борлиқнинг буюк эркасини аллома бобомиз тасвирлаяпти:

**Шундай жул чакмонлар бизга аёндир,**
**Жул чакмон тагида олам ниҳондир.**

Ҳа, «дўппининг тагида одам бор», деганларидек, шу одамда бутун сирли олам яширинган. Ушбу фикрларни ривожлантириб, янаям унинг оҳангини майинлаштиради:

**Бир қатра сувмасми оламда инсон,**
**Шу қатра дилида коинот пинҳон.**

### ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ

Оналар буюк, табаррук зот. Тирикликнинг давомчиларидир. Улар — инсониятнинг яратувчиси. Улар туфайли онгли мавжудот бор. Оналар нафақат фарзандларни дунёга келтирувчи, балки уларнинг биринчи мураббийлари, тарбиячиларидир. Онани фарзанднинг вояга етгунчалик қилган хизматларини ҳисоблаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди:

**Инисига деди бир сўзки гавҳар,**
**«Онанг таъзимида бўл, эй биродар».**

Ҳа, она хизматида бўлишлик, унинг иззатини жойига қўйишлик фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Оналар нафақат фарзандлар, балки бутун борлиқ, башарият таъзимига лойиқ.

Аёлнинг оқилаю тадбиркорлигини ҳазрат Деҳлавий мароқ билан куйлайди:

**Эр киши тирноқча иш қилса агар,**
**Яхши бекач уни минг бор оширар.**

Шукрлар бўлсинки, яхши бекачлар кўп. Шунинг учун ҳаёт завқли. Уларнинг оқилаликлари туфайли меҳру оқибат палак ёзади. Саховат, хайр-эҳсон, сабр-қаноат бўй кўрсатади. Улар туфайли осойишталик, тинчлик, омонлик барқ уради:

**Аёл оқила-ю, эр ишбилармон,**
**Бўлса кундан-кунга обод хонадон**

### «ДЎСТУ ЁРОН БИЛАН ХУШ»

Ҳа, дўст билан нафақат уйинг обод, балки бор бисотинг, юриш-туришу барча борлиғинг ободдир. «Дўст ғамингнинг ярмини олиб, хурсандчилигингни икки баробар оширади», деган томонлари ҳам бордир. Дарҳақиқат, дўстлик инсоният учун табиатнинг бебаҳо тухфаси, бетакрор бойлигидир.Дўстлар суҳбати тани-жонингга малҳам, унинг дийдорини ўзи катта бахтдир, бахтиёрликдир:

**Бу кенг олам дўсту ёрон билан хуш,**
**Боғу бўстон гулу райҳон билан хуш.**

Дўст билан бўлган дамлар одамга яхшилик билан бирга хушҳоллик олиб келади. Аммо дўстсиз одамлар ҳаётини тасаввур этиш қийин. Дўстсиз одам, бамисли қанотсиз қуш, сувсиз дарёдек гапдир. Одамларга дўст керак, биродарлари бўлиши шарт, чунки дўстларинг жонингга жондир. Бу борада аллома бобомиз Хусрав Деҳлавий шундай дейди:

**Татимас хуррамлик дўсту ёрсиз,**
**Шодлик ноподликдир дўст дийдорисиз**
**Дўстликнинг асоси бўларкан маҳкам,**
**Замон балосидан зарар етар кам.**

### ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Илм, билим одамзотни безайдиган, унинг янги-янги қирраларини кашф этадиган ҳолатдир. Илмли, билимли бўлиш фақат ақлли мавжудот ҳазрати инсонга насиб эттан ноёб дурдонадир. Илмни доно халқимиз ақл чироғига ўхшатадилар, йўлчи юлдузга менгзайдилар.

У туфайли одамзот мўъжизалар яратади, одамга шукуҳ бағишлайди:

**Ишга яраб қолса, илминг бир муддат,**
**Яна оширмоққа айлагин шиддат.**

Илмни оширишликдан одам фақат фойда кўради. Шунинг учун аллома илмни астойдил, чидам билан оғирликларидан чўчимасдан доимо эгаллашга чорлайди. Илмда сусткашлик, иккиланиш кетмайди. Таваккалчилик ҳам керак, керак бўлса курашиш ҳам даркор. Лекин унинг қийинчиликларидан чўчиш керак эмас. Илм эшиклари мардларга очилади:

**Жаҳд ила илмга урди бошин,**
**Шамолдан юргизди тегирмон тошин.**

Илмга суянмаган киши ҳар сонияда қоқилади, узоққа бориши амри маҳол. Одамзотга илм керак, заруратлигига ҳам ҳеч ким иккиланмайди. Одамзотга таянч ҳам билим, суянчиқ ҳам билим, қанот ҳам ўша:

**Агар илмдан кийган эрса тож.**
**Ул бош осмондан ундиради бож.**

### ОЗ СЎЗЛА, СОЗ СЎЗЛА

Ширинсуханлик ҳам одоблиликка киради. Хушмуомалалилик инсон зийнатидир. Ширинсухан, очиқ дил, бағри кенг инсонлар жамиятнинг гултожидирлар. Шунинг учун бўлса керак сухандонлик доимо алломалар томонидан олқишланиб келинган. Доно халқимиз «Ширин тил — жон озиғи» деб бекорга айтмаган-да. Хусрав Деҳлавий ҳам хушмуомалалилик ҳақида дилбар жумлалар битган:

**Сўзларингда бўлса фикру ўй ёниқ,**
**Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ.**

Аниқ, пухта, пишиқ сўзлашликда гап кўп. Сўзлашаётганда фикрлар тиниқ ифодаланиши, содда ва чиройли ишлатишлик назарда тутиляпти. Аллома сўзлашликда қисқаликни таърифлаганлар. «Оз сўзла, соз сўзла» нақли ҳам бекорга айтилмаган.

**Қисқа сўзлик қара, не яхши ҳолдир.**
**Сергаплик дилга малолдир.**

Сергапликни, эзмаликни, маҳмадоначиликка йўядилар. Ўз ўрнида сўзлашлик ҳам маданият, мавриди билан гаплашишликда сир-асрор катта.

**Бемаҳал сўздан йироқ,**
**Жим ўтирмоқ яхшироқ,**

### ОТА АМРИ ВОЖИБ

Аллома ижодида оталар ҳақидаги қимматли фикрлар ҳам эътиборга лойиқ. Оталарнинг ҳаётдаги ўрни ниҳоятда катта ва серқиррадир. Чунки улар оиланинг бошлиғи. Шунинг учун оиладаги барча ташвишлар оталар гарданида. Улар табиий тарбиячи, фарзандлар учун таянч, йўл кўрсатувчи мураббийдир. Бир сўз билан айтганда оталар оиланинг бошлиғи, саркоридир. Бунинг жиҳатлари кўп, ташвишлари анча. Ҳамма-ҳаммасига оталар бош-қош, балогардондир. Моҳир сўз заргари Деҳлавий ҳазратлари оталар ҳақида дилбар байтлар битган:

**Тур, эй отажоним, бошим хирожи.**
**Мен сенга гавҳару, сен минг тожим.**

Дарҳақиқат, фарзандлар оталарнинг дуру гавҳаридир. Бор бисотию ҳамма-ҳаммасидир. Шунинг учун оталарни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳам фарз, ҳам қарздир.

### УМРНИНГ КУЗ ФАСЛИ

Қариялар ҳам Деҳлавий ижодида бош мавзудир. Қариялар, кексалар одамларнинг ақлурасоларидир, пиру бадавлатларидир. Улар ёшларга маслаҳатгўй, йўл-йўриқ кўрсатувчи йўлбошчилардир. Уларнинг ақли қаймоқ, юриш-туриши, бор бисоти одамгарчиликдир. Улар билан кенгашилган мажлис маъноли, мақсадли ва тадбирли бўлади. Шунинг учун аллома

**Ёш ҳар қанча бўлсин ишда ғайратли,**
**Кўп кўрган кексанинг иши ибратли,**

— деб бекорга таъкидламаган. Маъқул хулоса, кексаларга эргашсанг адашмайсан, мақсадингга етасан.

**Базм куни ёшлар сафида бўзла.**
**Аммо иш тадбирин кексадан изла.**

Ҳа, Хусрав Деҳлавий худди ўзлари таъкидлаганидек:

**Шундай яшагилки жисми покингдан,**
**Қайта яратсинлар сени ҳокингдан.**

Дарҳақиқат, ҳазратнинг ўлмас дурдоналари авлодлари учун маънавий озуқа бўлиб қолаверади.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент молия институти тарих кафедраси мудири, профессор.

*Ҳикматлар хазинасидан*

## СИР САҚЛАШ ҲАҚИДА

Кўнгил қулфида сақланувчи, ҳеч кимга ишонмай, асраб-авайлаб юрилувчи фикрни киши энг яқин кишисига айтади, дўстига ишонади. Эшитилган гап худди омонат мисол сир сақланмоғи лозим. Сир сақлашга хиёнат бебурдлик, ишончнинг йўқолиши, бир кишининг тақдири ҳал бўлишидир. Сирни кимга айтмоқ, уни қандай сақлаш, қай йўсинда баён қилиш керак? Бу ҳақда донолар шундай деган:

Кўнгил сиррин очма, яширгин уни,
Агар сир очилса, ўкинч ҳар они,
Қизил тил қора бош ёвидир тугал,
Ашаддий бу ёвни кузат тун-куни.

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Ким бировнинг сирларин билмоқчи бўлса ёширин,
Ё ўғирлик била сир олса чин ўғридир у ҳам.
Гар бу ишга ҳақ талаб этса яна баттарини,
Номини қўйса яратгай ё даюс, ё муттаҳам.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

Ҳар кишиким, біровни маҳрам этиб,
Дардлашувда ёшурун сиртин баён этти.
Гар ёшурди билиб ички сўзни,
Ўзини қалбин ҳийласин аён этти.

**Алишер НАВОИЙ.**

Ҳар нечаки оғирликдир, дардингни дема элга,
Ким йиғламоғинг, Бобур, ул элга бўлур кулгу.

**БОБУР.**

*Оила қуриш тўғрисида сўз кетганда соатлаб гапириш мумкин. Айниқса, бу борада ёшлар билан гаплашиб қолгудек бўлсангиз, баҳслар янада қизийди. Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг бир гуруҳ ёшлари ўртасида шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Қуйида ана шу суҳбатда билдирилган айрим фикр-мулоҳазаларни келтирмоқдамиз.*

*«Йигитлар, «Йигит киши оила бошлиғи» деган гапга қандай қарайсиз?» деган саволга қайтарилган қуйидаги жавобларни бир ўқинг.*

*Давра суҳбати*

## ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

●**Фозил СОБИРОВ, ўзбек филологияси факультети 6-курс талабаси:** Мен иккита фарзанднинг отасиман. Оила бошлиғи бўлиш, жуда масъулиятли иш, бунинг ўзига яраша қоидалари бор. Йигит киши оила бошлиғи бўлганда биринчи навбатда оилада ўзининг ҳурматини билиши керак. Турмуш ўртоғи билан ота-онаси ўртасида доимо боғлиқликни, иноқликни таъминлаб туриш шу оила бошлиғи — йигит кишининг вазифасидир. Ота-онани қандай кўрса, ўз оиласини ҳам шундай кўриши керак. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, театрда актёр битта ролни масъулият билан зўр ижро этса, у муваффақият қозониши мумкин. Оила бошлиғи бўлган йигитни ҳам мен актёрга ўхшатаман. Ҳаётда жуда ҳам катта масъулиятли роль йигит кишининг зиммасига тушади. Агар у шу ролни яхшилаб ижро этсагина ҳаётда ўз ўрнини топиб, яхши оила эгаси бўлиши мумкин.

●**Одил НОРҚОБИЛОВ**: Мана дўстимиз Фозилжон жуда яхши фикрларни айтиб ўтди. Инсон яралибдики, Одам Ато, Момо Ҳаво замонидан буён йигит киши, яъни эркак оила бошлиғи, ёрдамчиси эса аёл бўлган. Буни шундай тушуниш мумкинки, эркак ҳар томонлама кучли, жисмоний бақувват ҳамда иродалидир. Аёл эса ўзининг латофати, нозиклиги, ақл-идроки билан эркакка ёрдамчи бўлиши керак. Икки ёш оила қурдими, бунда табиий ҳолда оила бошлиғи эркак киши ҳисобланади. Аёл киши эса турмуш ўртоғининг ҳар томонлама етук ва бақувват бўлишини истайди. Эркак кишининг фақатгина оила бошлиғи бўлишининг ўзи етмайди, у ўз оиласининг шарафини ҳимоя қилиши, фарзанд тарбияси, уларни вояга етказиш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш — буларнинг ҳаммаси биринчи навбатда эркакнинг зиммасига тушади.

— Марҳамат, қизлар, сизлар ҳам фикр билдирсангиз.

●**Дилобар АЗИМОВА, ўзбек филологияси факультети 6-курс толибаси:** Оилада эркак киши бош бўлиши, аёл киши унинг ёнида таянч вазифасини ўташи керак. Лекин бизда ҳозир қизларимизни 14-15 ёшдан турмушга бериш ҳоллари ҳам учраяпти. Мен бунга қаршиман. Чунки қизларимиз бу ёшда турмуш қуришга, ҳаётдаги турли хил тўсиқларни енгишга ҳали тайёр эмас деб ўйлайман. Улар бу ёшда ҳаёт қийинчиликларини эркак киши билан баробар торта олишмайди. Менимча, аёл киши 20 ёшдан кейин мустақил ҳаётга қадам қўймоғи лозим. Шундагина у эркак кишига оила тебратишда таянч бўла олади.

—Мана, қизлар 14-15 ёшдан турмушга чиқишяпти дейилди. Лекин 17-18 ёшдан йигитларимизнинг уйланиши ҳоллари ҳам рўй беряпти. Бунга сизлар қандай қарайсиз?

● **Холмурод ХИДИРОВ, ўзбек филологияси факультети талабаси:** Менимча, эрта турмуш қураётган йигит ёки қиз ўзини катта ҳаёт йўлига тайёр деб ҳисобласа, улар турмуш қуришлари мумкин. Мен оилани катта карвонга ўхшатаман. Унинг бошлиғи эркак киши эса карвоннинг сарбонидир. Сарбонга ҳаётда шундай мураккаб чигалликлар учрайдики, унинг ҳаммасини мардона енгишига тўғри келади. Шу боис ёшлар турмуш қургач жуфти ҳалолининг қадрига етиб, фарзандлари тарбиясини ўрнига қўйиб, қийинчиликларга бардош бера олишига кўзи етсагина турмуш қуриши керак.

● **Фозил СОБИРОВ:** 17-18 ёшлардаги йигитларнинг уйланишига мен ҳам қаршиман. Чунки бу ёшда улар ҳали ғўр ҳисобланади. Оила қуришдан мақсад — яхши насл қолдириш, деб айтишади кексаларимиз. 17-18 ёшли йигит ҳали жисмонан бақувват бўлмайди. 20 ёшдан ошгандан кейингина турмуш қуришса, мақсадга мувофиқдир. Бу нарса ҳаётда ҳам исботланган, йигитлар 22-23 ёшда, қизлар эса 20 ёш атрофида турмуш қуришса айни муддао.

● **Одил НОРҚОБИЛОВ:** Оила қурганда, ёшларнинг ақлий жиҳатдан етуклиги ҳамда уларнинг моддий таъминоти ҳам иккала ёшнинг зиммасида туриши лозим. Ҳозирги пайтда турмуш қураётганларнинг аксарияти ота-она қарамоғидаги ёшлар. Айниқса ҳозирги иқтисодий томонларни ҳисобга олган ҳолда эрта турмуш қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай пайтда уларда оилани моддий таъминлайдиган шароит ҳали етилмаган бўлади. Қолаверса 18 ёшда йигит армия сафига чақирилади.

●**Абдуваҳоб ХОЛИҚОВ, ўқитувчи:** Мен талабалар томонидан билдирилган фикрларга қўшиламан ва шу билан бирга қўшимча қилиб ушбуларни айтмоқчиман. Бола хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин, 3-4 ёшданоқ, ўз ўйинчоқларига «Сен ада бўлгин, мен опа бўламан» дея ўйин қилишини беихтиёр сезгансиз. Ҳозирги ёшларимизнинг эрта турмуш қуришлари кўп ҳолларда ажралишларга, оиланинг бузилишига олиб келяпти. Бу ҳол ўша ёшларнинг жавобгарликни ҳис қилмаган ҳолда турмуш қуришларидан келиб чиқаётир. Ҳатто чилласи чиқмасдан ажралиб кетишлар ҳам юз бермоқда. Шунинг учун мен бу ерда билдирилган фикрларга тўла-тўкис қўшиламан. Оила қурадиган йигит билан қиз турмуш қийинчиликларига тайёр бўлиши керак. Бунда ота-онанинг ҳам ҳиссаси катта. Чунки келин туширадиган одам олдин ўғлига маслаҳат солади. Шунда йигит: «Дадажон, мен ҳали ўқишни тугатай, ишга жойлашай, ундан кейин уйланай», дейди. Бу гап жавобгарликни тўла-тўкис ҳис қилган йигитнинг жавоби бўлади...

Давра суҳбатини
Манзура АҲМЕДОВА
ёзиб олди.



**Кексаликнинг завқи шундаки, бу ёшда одам одам учун азиз ва ғанимат бўлиб қолади.**

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

*Донолар ҳаётидан*

### АНДИШАНИНГ САБАБИ

Бир киши Афлотунга:

— Бир зиёфатда фалончи сени кўкларга кўтариб мақтади ва ҳаққингга кўп дуолар қилди, — деди.

Бу сўзларни эшитган Афлотун бошини қуйи солиб фикру хаёл уммонига ғарқ бўлибди. Ҳалиги киши ҳайрон бўлиб:

— Эй ҳаким, мен нима дедимки, бунчалар фикру андишага кўмилдинг? — деб сўрабди.

— Мени сен айтган сўзлар ўйга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни ўйлаб ўлтирибман. Қанақа жоҳилона иш қилган эканманки, бу қилмишим ўша жоҳилга ёқиб тушибди ва у мени мақтаб юрибди? Бирор аҳмоқлик қилмасанг, ҳеч бир аҳмоқ сени мақтамайди ва кўкларга кўтармайди.

### ЁМОН ГАПГА МИНГ ТАНГА

Анушервон ҳукмронлиги даврида икки дарвеш унинг саройига келибди ва улардан бири баланд товуш билан:

— Ёвузлик кўрмайлик десанг ёвузлик қилма, — дебди.

Иккинчиси:

— Яхшилик қилган киши ҳамиша яхшилик кўргай, — дебди.

Анушервон амри билан биринчисига минг динор, иккинчисига икки минг динор беришибди. Бу ҳолни кўрган мулозим ва нодимлар подшоҳдан: «Иккаласининг ҳам сўзи бир маънони ифодалайдику, нега икки хил мукофот бердингиз?» деб сўрашибди.

Анушервон шундай жавоб берибди:

— Бири ёмонликни мадҳ этди, иккинчиси яхшиликни. Яхшилар билан дўсту ҳамсуҳбат бўлишдан яхшироқ иш борми ва ёмонлар билан ҳамтовоқ бўлишдан ҳам ёмонроқ иш борми дунёда.

### ЭНГ ЗАРУР НАРСА

Шоҳ Хусравнинг вазири Бузургмеҳрдан инсон учун энг зарур нарса, нима деб сўраган эканлар, у:

— Туғма зеҳн, — деб жавоб берибди.

— Туғма зеҳн бўлмасачи? — дея сўрасалар:

— Одоб ва илм ўргансин, — дебди.

— Ўрганолмасачи? — деб сўрасалар:

— Мол-давлат, зару зевар орттирсин, бу ҳам кўп айбларни беркитади, — дебди.

— Эплолмасачи?

— Унда сертавозе ва серилтифот бўлсин, бу ҳам одамнинг зийнати.

— Бу ҳам қўлидан келмасачи?

— Унда унақа тирикликдан ўлган афзалроқ, ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи ўзидан қутулади.

*Дил номаси*

## КУМУШБИБИГА МАКТУБ

***Ассалому алайкум, ой юзли, кундуз қошли, ғунча лабли, сунбул сочли орзуим бўлган Кумушой!***

***Одатда энг ишонган дўстингга мактуб ёзсанг, қалбингдаги барча дардларингни яширмай ёзасан. Сизга мактуб ёзар эканман, дилимда армонларим йиғлайди. Нечун тақдир сизни бундай ҳолга қўйди?!***



Эсимда, ўшанда Отабекнинг: — Талоқсан, талоқ, — деб Зайнабга айтган сўзларини эшитган онингиз мажолсиз кўзларингиз чарақлаб очилиб кетганди. Ҳа, қалбингизни жароҳатлаган Зайнабнинг талоқ бўлишини қанчалар хоҳлар эдингиз. Сўнгги сўзларингиз ҳам ёдимда:

— Ойи, дада... Сўнгра бироз уялиб, бегим, — дея кўзингизни юмиб, кундош балосининг қурбони бўлдингиз. Ёдингизда бўлса, сиз ёрингизни дор остидан қутқарган эдингиз. Отабек эса сизни ўлим билан олишиб ётганингизда, заҳар ичиб, қон тупурганингизда қутқаришга ожиз қолди.

Ҳозирги ҳаётимизда шундай ҳолат тасвирланса, менимча, севишганлар бир-бирларини бағрига босиб, бир-бирларини унутмаслик ҳақида қасам ичган бўларди. Сиз ва Отабек эса бундай ҳам қилолмасдинглар. Чунки шарқона уялиш, ийманиш бунга йўл қўймасди. Отабегингизга муҳаббатингизни, садоқатингизни умрингиз охиригача сақлаб қолдингиз. Пок, самимий муҳаббатингизни эсга оламану, ҳозирги «замонавий» муҳаббатлар кўз ўнгимда намоён бўлади. Кўча-кўйда ёшларимизнинг, айниқса қизларимизнинг хатти-ҳаракатлари диққатимни тортади. Ҳозир қизларимиз сиз кийган миллий кийимларимизни киймайдилар. Уларнинг кийинишлари ўзгача. Баъзиларининг обдон бўялган қош-кўзлари кимларнидир излайди. Калта юбка, оғизларида сақич. Қизларга хос бўлмаган чапанича гаплар...

Ҳозиргина таъриф берилган қизимиз қаерга шошаётган экан деган савол туғилиши табиий. 14-15 яшар қиз мактабга шошмай қаерга шошсин? Кўзни қамаштирувчи узук, зиракларга, калта юбкаларга оила сармоясидан маблағ ажратилади...

Ёдингиздами, сиз умр йўлдошингиз ким эканлигини билмай, тақдирга тан бериб, турмушга чиққансиз. Ҳозирги даврга келиб кўпчилик йигит-қизларимиз хоҳлаган кишиларига турмушга чиқадилар. Шундай бўлса-да ой ўтмай, йил ўтмай ажралишади. Қайнона-келин можаролари ҳам кун сайин авж олиб бораверади. Тирик етимлар кўпаяди. Шу ўринда бир савол туғилади. Ахир биз киммиз? Кумушой, менинг қалбим йиғлайверади. Юрагим ўт олиб ёнаверади. Лекин сизга бугунги муаммоларимни ёзмасдан иложим йўқ. Ахир сизга қалбимни ўртаётган армонларимни хитоб айлаяпман. Мен сизга мактуб ёзишдан аввал қизларимизни кузатдим. Ҳозирги баъзи қизларимизнинг дидларига мос тушадиган йигитлар қуйидагича бўлиши керак эмиш: бойбадавлат бўлса институтда ўқиса, қўл остида бир неча дўкони бўлса ва ниҳоят ўзи келишган бўлса, хуллас бизнесмен бўлиши керак экан. Нима учун энг аввал бой-бадавлат бўлсин? Ахир Ойбекнинг Гулнори оддий, меҳнаткаш Йўлчини, Абдулла Қодирийнинг Раъноси диёнатли, содда Анварни сева олдику?! Бир донишманд айтган экан: «Бойлик ҳам, шон-шуҳрат ҳам инсонни бахтли қилолмайди, тани-жони соғ, иймони бут киши ҳар қандай одамдан бахтлироқдир». Бахт — бу нима ўзи? Менимча инсоннинг орзу-истакларига етишиб яшаш ҳам бахт. Киши қалбидан жой олган энг улуғ бахт эса қалбида ардоқлаган кишисининг ташвишлари, қувончларини бирга баҳам кўриш. Фақат ўзи учунгина эмас, севгани учун ҳам яшаш демакдир. Кумушой, агарда сизга ҳозир бугунги кунимизни, ижобий ишларимизни ёзадиган бўлсам столим устига беҳисоб варақлар етмайди. Кумушой, лекин мен бир нарсани жуда-жуда хоҳлардим. Қани энди ҳаёт бўлиб, қизлар мактабини очсангиз. У ерда эса ўзингизда мужассам бўлган ахлоқ-одобдан сабоқлар берсангиз. Ўшанда мен сизнинг биринчи ўқувчингиз бўлардим. Сабоқда биз қизлар тарбияси, ибоси, назокати, севгиси, садоқати борасида гўзал мушоиралар, баҳслар ўтказардик. Маънавий нур билан хонадонларимиз янада файзга тўларди.

Кумушбиби, сизга неларни ёзган бўлсам барчаси дилимдаги эзгу ниятларим, орзуим қизларимиз сиз каби шарқона фазилатларга эга бўлишса. Хатим сўнгида сизни ғойибона соғинганимни билдириб:

Феруза МУХАММАДЖОНОВА.

*Ўтмишдан садо*

## ОҚИБАТНИ УНУТГАН ОДАМ

***Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврларидан буён тилдан-тилга ўтиб келаётган шундай бир ривоят бор.***

Айтишларича ҳар сафар Расулуллоҳ жамоаси билан намоз ўқиб бўлгач, саҳобалардан бири даст ўрнидан туриб масжиддан чиқар ва уйи томон чопар экан. Бу ҳолдан ранжиган бошқа саҳобалар ўша одамга танбеҳ бериб қўйишмоқчи бўлишибди. Навбатдаги намоз тугагач ҳалиги саҳоба одатдагидай даст ўрнидан туриб эшикка томон чопиши билан уни атрофидагилар ушлаб олишибди.

— Сен нима учун ҳар сафар намоздан сўнг бундай одобсизлик қиласан, дунёвий ишинг намоздан ҳам азизми. Расулуллоҳни ҳурмат қилмайсанми, — деб сўрашибди ундан.

— Мени маъзур тутинг, биродарлар, — узр сўрабди ҳалиги одам. — Мен шу даражада қашшоқманки, устимдаги мана шу кийимимдан бошқа ҳеч вақом йўқ. Намоздан сўнг уйга шошилишимнинг сабаби шуки, тезда бориб кийимимни ечиб аёлимга бераман. У намоз вақти ўтиб кетмаслиги учун дарҳол таҳорат олиб, ибодат қилиб олади.

Саҳобалар бу гаплардан ҳайратта тушибдилар. Сўнг Расулуллоҳга ўнг томондан яқинлашиб, «Эй набий, Аллоҳга эътиқоди шунчалар кучли умматингиз бор экан. Бир дуо қилинг, парвардигор уни қашшоқликдан халос этиб, бойлик ато қилсин» дейишибди. Шунда пайғамбар юзларини чап томонга бурибдилар. Энди саҳобалар чап томондан яқинлашиб мурожаат қилишибди, пайғамбар ўнг томонга қараб олибдилар. Саҳобалар энди рўпарадан яқинлашишса, у киши ерга қарабдилар. Саҳобалар ўз гапларини ўзаро маъқуллайверишибди. Шунда Расулуллоҳ дебдилар:

— Сиз бу кишига Аллоҳдан нима сўраётганингизни англаяпсизми. Мол-давлат кўпчиликни тўғри йўлдан оздирганидан хабарингиз йўқми? Шундай бўлса ҳам майли, шу кишини сизлар айттандай дуо қилганим бўлсин.

Пайғамбар дуо қилгандан сўнг ҳалиги кишининг ишлари юришиб, топганидан барака ёғилаверибди. Иккита қўй сотиб олибди, тезда қўйлар бешта бўлибди, кейин ўнта, йигирмата... Шу аснода унинг бойлиги кўпайгандан кўпаяверибди. Бора-бора бомдод намозига чиқмайдиган бўлибди, кейин пешин, аср... Шу тахлит ибодатни умуман тарк этибди. Одатдаги дўст-ёрларидан узоқлашиб, ўз мол-мулкини кўпайтириш билан ўралашиб қолибди. Орадан маълум вақт ўтибди. Қурбон ҳайити яқинлашиб, одамлар жонлиқ сўйиш тараддуди билан юришган пайтда саҳобалар ўзларидан узоқлашиб кетган ўша кишини эслаб қолишибди. «Юринглар, — дебди улардан бири, — ўша биродарларимиздан хабар олиб, унинг бойлигидан камбағаллар, бева-бечоралар ҳақини олиб берайлик». Кўпчилик бўлиб унинг уйига боришса, ҳалиги бой бир жойга чиқиб кетган эмиш. Шундай бўлса ҳам хизматкорлар гувоҳлигида саҳобалар бойнинг мол-қўйларидан тегишли қисмини олиб ҳайдаб кетаверишибди. Ярим йўлда уларга бой дуч келибди. Гап нимада эканини англаб «Мен қурбонлик учун сизларга ўзим жонлиқ танлаб бераман», дея мол-қўйларини ортига қайтарибди. Уйига етиб келгач чорваси орасидан касалманд, ориқ, чўлоқ, кўзига оқ тушган қўйларни қурбонлик учун танлай бошлабди. Бундан ғазабланган саҳобалар ҳаммасини ташлаб, пайғамбар ҳузурига боришибди ва бўлган воқеани айтиб беришибди.

— Мен ўшанда сизларга «Бу одамга нима сўраётганингизни англаяпсизми» демаганмидим, — эслатибдилар Расулуллоҳ. — Унга Аллоҳнинг ўзи жазо бергай.

Саҳобалар қилиб қўйган ишларидан афсус чекишибди. Ҳалиги бойнинг эса чорвасига ўлат тегиб бирин-кетин қирила бошлабди. Уйига ўт тушибди. Шу тариқа мол-мулки тобора завол топаверибди. Ниҳоят аввалги ҳолидаги қашшоқлигига қайтганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Қилиб қўйган хатоси учун қанчалар пушаймон бўлиб, Расулуллоҳдан гуноҳларини авф этишни яратгандан сўраб беришини айтиб ялинмасин, илтижолари инобатта олинмабди. Охир-оқибат у қашшоқлик исканжасида хор бўлиб дунёдан кўз юмибди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.



*Санъат сеҳри*

# ЖАЖЖИЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

***Худоёр Тошпўлатов 50 ёшни қоралаган бўлсада, сўзларининг бурролиги, қувноқлиги уни анча ёш кўрсатади. Бу инсон қарийб 28 йилдан буён Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатмоқда. Театр даргоҳи унинг учун бутун бир дунё.***

Худоёр Тошпўлатов 1946 йилнинг баҳорида аввалги Самарқанд, ҳозирги Жиззах вилоятининг Қўйтош қўрғонида хизматчи оиласида дунёга келди. Улар етти фарзанд... Етти фарзанднинг оталари Тошпўлат ака уруш қатнашчиси, меҳнаткаш инсон... Оналари Янглишой ая фарзандлар тарбияси ҳамда уй-рўзғор билан овора эди.

— Отамнинг айтишларича, бобом дутор чертиб, қўшиқ айтган эканлар, — дейди Худоёр Тошпўлатов — У кишининг дутор чертишларини қишлоқ аҳли, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар мароқ билан тинглаб ором олишар, шунинг учун бўлса керак уларни Ражаб ака эмас, балки Ражаб дутор деб аташар экан. Гарчи бобомни яхши билмасам-да, уларнинг санъатга бўлган меҳрларини яхши ҳис этаман, қалбларидаги санъат дарди, менга мерос бўлган бўлса ажаб эмас...

1963 йили Худоёр Тошпўлатов ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг актёрлик факультетига ҳужжатларини топширди, омади келиб шу институтнинг толиби бўлди.

— Устозим Софья Гутманович менинг меҳрибон устозим эди, — дея хотирлайди Худоёр ака. — У киши биз талабаларга бор билимини берибгина қолмай, қалбидаги меҳрини аямасди. Унинг гуруҳида таҳсил олганлар шубҳасиз ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишарди.

Диплом спектаклига Софья Михайловна Карл Гольдонининг «Хотинлар иғвоси» ҳамда Максим Горькийнинг «Охиргилар» спектаклини саҳналаштирди. Биринчи спектаклда Худоёр Тошпўлатов Арлекин роли, иккинчи спектаклда Пётр роллари устида ишлаб, маромига етказиб ижро этди.

Спектаклларни томоша қилган Ёш томошабинлар театрининг ўша пайтдаги директори Гуландом Ғуломовага Худоёр аканинг ижролари маъқул келди ва у кишини театрга ишга таклиф этади. Таклиф ҳеч иккиланмасдан қабул қилинди, сабаби Худоёр ака болаларни чинакамига севар эди.

Ана шу йиллар мобайнида актёрнинг ижодий маҳорати, салоҳияти ялт этиб намоён бўла бошлади.

Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» номли саҳна асарида вазир, Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой» спектаклида Қовоқвой, Ян Райниснинг «Олтин Тулпор» спектаклида Қора Шаҳзода, Гоголнинг «Ревизор»ида шаҳар ҳокими, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшомда» спектаклида Зиёдулла ва яна кўплаб ролларни маҳорат билан ижро этди.

— Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой» спектаклида мен Қовоқвойни ижро этардим, — ҳикоя қилади Худоёр ака, — мендан олдин раҳматлик Воҳид ака Қодиров уни образ даражасига етказиб ижро этганлар. Ролни олишга олдиму, сўнг ўйланиб қолдим... «Воҳид аканинг ижросига етказа олармиканман, агар ўйнай олсам мулзам бўлиб қолмасмиканман», деган фикрлар мени тинч қўймасди. Ўйларимни илғагандек, қалби кенг Воҳид ака маслаҳатлари билан кўнглимни тинчлантирдилар, кўзланган мақсадга етишим учун репетицияларимга ёрдам бериб, йўл-йўриқ кўрсатдилар... Ҳа-я, негадир айримлар болалар театрида ишлашни ўзига эп билмайди. Ахир кичкинтойларга қувонч улашишдан ортиқроқ бахт борми дунёда! Сезганмисиз, уларнинг кўзларида беғуборлик, самимият мавжуд. Бизга илҳом бахш этувчи омил ҳам айнан мана шу покизалик, самимийлик-да!

Театрга Олимжон Салимов режиссёр бўлиб келгандан кейин ижодий жамоанинг репертуари янги асарлар билан янада бойиди. Театр жамоаси Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшомда» деб номланган асарини саҳналаштирди. Бу спектаклда Худоёр Тошпўлатов Зиёдулла ролини ижро этди.

...Зиёдулла оддий, пок, дарвешона бир хаёллар билан яшовчи, содда, аммо ақлли инсон. У нафақат ўзига, балки хаёлидаги тасаввур бўлган орзусига, ҳам ёвуз, ҳам яхши инсонларга ишонади, у Аллоҳдан ягона бўлган фарзандни сўрайди ва умид билан яшайди...

Ҳа, Худоёр Тошпўлатов Зиёдулладаги умидни, орзу-мақсадни, ичидаги дардини усталик билан рўй-рост томошабинга етказиб бера олган... Аммо актёрнинг таъкидлашича, ҳали бу роль устида у узоқ изланиши лозим, шундагина у Зиёдулладаги кўзланган мақсадни топа олади.

Актёр билан томошабин қалбидан жой олган кўплаб саҳна қаҳрамонлари ҳақида ҳали узоқ суҳбат қуриш мумкин. Биз эса унинг ижодига ривож, баркамоллик тилаб қоламиз.

Саидахон СОТИМХОН қизи,
театршунос.



*Бир бор экан, бир йўқ экан қадим замонда мана шундай гўзал қиз бўлган экан...*

*Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.*

*Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

# ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН БАШОРАТЛАР

## ёки Кеннеди ўлимини айтган аёл ва бошқалар ҳақида

***Тақдирни олдиндан айтиб бериш, башорат қилишни худога хуш келмайдиган иш дейишади. Ҳаммаси тақдир деб аталмиш китобга ёзилган, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Албатта, ўзгартириб ҳам бўлмайди. Бироқ, уни назарда тутиш... мумкин экан.***

Америкалик таниқли башоратчи Жейн Диксон бир неча ўлимларни олдиндан айтиб берган. Бўлажак хавф-хатар тўғрисида у огоҳлантирган одамларнинг барчаси ҳалокатни четлаб ўтишолмаган. Роберт Кеннедига ўлим даҳшати хавф солаётганлигини ҳам мана шу аёл айтиб берган. Орадан кўп ўтмай у машъум ўққа дучор бўлади.

...1961 йилда БМТ Бош котиби Даг Хаммаршельднинг ҳалокатидан бир неча ой муқаддам бу башоратчи аёл ўзининг баланд мартабали дугоналаридан бирига шундай деб ёзганди: «Нима қилсанг қилгин-у, зинҳор Хаммаршельд билан бир тайёрада уча кўрма. Сабаби, фалокат содир бўлиб, у ҳалокатга учрайди». 18 сентябрда худди шу фалокат рўй берди.

...Британиялик фельдмаршал Горацио Герберт Китченер қисматни олдиндан айтиб, башоратларга доим ишониб келгувчи эди. 1894 йил арафасида таниқли инглиз кароматчиси Хейро айтган сўзларни у ҳамон ёдида сақларди: «Лорд, олтмиш олти ёшингизда Сизни катта хатар кутмоқда, денгизда ҳалок бўлишингизни кўряпман...»

Орадан йиллар ўтди. Лорд Китченер ҳарбий вазир этиб тайинланган бўлсада, башоратчи сўзларини ёдидан чиқармасди. 1915 йилнинг июнида инглиз газеталаридан бири Китченер ҳаракатдаги армиянинг олдинги марраларида бўлаётганлиги тўғрисидаги репортажни босиб чиқарди. Жумладан, унда шундай воқеа келтирилади: Вазир турган жойнинг шундоқ яқинида снаряд портлайди, ҳамроҳларидан бири лордни пана жойга беркинишни таклиф қилади. Бироқ Китченер бепарво қўл силтайди: «Мен бундан қўрқмайман. Биламанки, барибир денгизда ўламан».

1916 йилнинг 5 июнида у крейсерда Россияга музокаралар олиб бориш учун йўлга отланди. Кема Британия қирғоқларидан узоқлашмасданоқ, даҳшатли портлаш юз берди. Яқиндагина 65 ёшини нишонлаган Лорд Китченер билан бирга юздан зиёд денгизчи ҳам ҳалок бўлди...

Башоратларнинг ҳаётда — амалда юз бериш ҳодисалари ғоят ҳайратланарлидир. Гарчи улар тақдирни олдиндан айтиб бериш имкониятлари тўғрисида гувоҳлик берсалар ҳам айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай ҳодисотлар билан курашиш мумкин ва зарур экан. Турли воқеа-ҳодисаларни тасодиф ихтиёри (ҳисоби)га йўйиб қўя қолишдан осони йўқ, чунки кўпинча одамлар, у ёки бу натижаларга олиб келган сабаб-оқибат узвийлигининг мантиқий занжирларини туза олишга қодир эмасдирлар. Бундай боғлиқлик алоқалари эса мавжуддир. Буни бутун дунё газеталарида босилиб чиққан, америкалик ака-ука эгизаклар Ж. Спрингер ва Ж. Люис билан бўлиб ўтган воқеа ҳам қандайдир даражада тасдиқлай олади.

Тақдир тақозоси билан улар туғилганларидан сўнг айри яшайдилар ва 39 йилдан кейингина учрашадилар. Бу давр мобайнида улар бир-бирлари билан ҳеч қанақанги алоқада бўлишмаган. Маълум бўлишича, эгизакларнинг юз-кўз, қиёфалари сингари тақдирлари ҳам икки томчи сувдек бир-бирига ниҳоятда ўхшаш экан. Рафиқаларининг исмлари ҳам бир хил: биринчи никоҳда — Линда, иккинчисида эса — Бетси. Ўғилларига ҳам бир хил исм қўйишган. Буни қарангки, ака-укалар деярли бир вақтда бир хил русум ва рангдаги «шевроле» сотиб олишган, бўш вақтларида ёғочга инсон қиёфаларини ўйиб ёзишни яхши кўришган ва ҳатто итларига ҳам бир хил — Той лақабини беришган...

Дарвоқе, бир пуштдан бино бўлган эгизаклар (уларнинг бири қишлоқда, бири шаҳарда, бири шимол ёки жанубда яшайдими, бундан қатъи назар) бир вақтда кексайиб, оламдан ўтишади.

Қуддусда шунга ўхшаш қизиқ воқеа юз берган. «Безек» компанияси хизматчисининг уйида ити болалайди. Тўрт кучукчанинг бирини ўзлари олишиб, қолган учтасини Тель-Авив, Рамат-Гана ва Петах-Тиква шаҳарларида яшовчи дўстларига бериб юборишади. Уч ойдан сўнг улар Қуддусга олдинма-кейин қўнғироқ қилишиб, кучуклари балкондан тушиб кетиб, нобуд бўлганини хабар қилишади. Компания хизматчиси хушёр тортиб, кучукчага бохабар бўла бошлайди. Орадан бир ой вақт ўтади. Кунларнинг бирида кучук ўз-ўзидан балкон эшигидан сирғалиб панжарага осилади ва олтинчи қаватдан пастга учиб кетади. Туғилишдан кучукчаларга шундай ўлиш қисмати битилган бўлса, не ажаб?

Қизиғи шундаки, бунақанги ўхшашликлар математиклар учун тилсимот саналмайди. Улар дунёда имкони йўқ, фақат эҳтимоллик назарияси мавжуддир, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, эҳтимол тутилган ҳодисалар ҳам эртами, кечми содир бўлади.

Майор Саммерфордни ўртоқлари унинг кўзлари боис «чақмоқни чақирадиган одам» дейишарди. Биринчи марта чақмоқ уни 1918 йилда Фландрияда, ҳарбий ҳаракатлар пайтида урди. Майор доимо олдинги маррада бўлар, бу ерда ўқлар тўхтовсиз чийиллаб учар, снарядлар портларди. Лекин уни дайди ўқлар эмас, балки одатдаги чақмоқ нишонга олганди. Ногиронлиги сабабли хизматдан бўшатилгач, Саммерфорд Ванкуверга жўнаб кетади. 1924 йилда, балиқ овига отланаётган пайтида яшин уни иккинчи бор уради. Бунинг натижасида истеъфодаги майорнинг ўнг томони ишламай қолади.

Бу зарбадан кейин оз-моз тузалиб олгач, Саммерфорд юрак ютиб шаҳар хиёбони бўйлаб сайрга чиқади. Ҳаво ажойиб, қуёш чарақлаб нур сочади. Тақдир ўйинини қарангки, бир неча дақиқа ичида осмонда момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ нақ майорнинг боши узра чақди. Учинчи зарбадан сўнг танаси бутунлай фалаж бўлиб, у кўп ўтмай вафот этади. Бу воқеа 1930 йилда бўлган эди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Шўрлик Саммерфорднинг само салтанати олдида не гуноҳи бор экан, ўйлаб ўйингга етолмайсан. 1934 йилнинг июнида Ванкувер тепасида жуда қаттиқ момагулдирак гумбурлаб, чақмоқ чақди. Яшин маҳаллий қабристондаги сағаналардан бирининг тит-питини чиқариб ташлади. Бу бечора Саммерфорднинг қабри эди...

Гиннеснинг рекордлар китоби саҳифаларига яна бир «чақмоқ чақирадиган» одамнинг исми-шарифи киритилган. У — Виржиниядаги миллий истироҳат боғининг ходими Рой Салливандир. Рой 1942, 1969, 1970 ва 1972 йилларда рўй берган яшин зарбаларидан омон қолган дунёда ягона инсондир.

Чақмоқ чаққанда одамларни ана шундай яшин уриши олимлар учун ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолмоқда. Тоққа сайр пайтида чақмоқ остида қолган японялик ўқувчилар фожиаси, айниқса, бунинг яққол далилидир. Муаллим уларга бирбирларини йўқотиб қўймаслик учун альпинистларга ўхшаб, арқон билан бирбирларини боғлаб олишни буюради. Яшин ургандан сўнг боғламадаги ҳар учинчи ўқувчининг нобуд бўлганлиги маълум бўлади.

Экспертлар физиканинг барча маълум қонунларини ишга солиб ҳам ушбу сирли ҳодисани тушунтириб беролмадилар. Ёмғирда ивиб кетган арқон яхши электр ўтказгич сифатида хизмат қилганлиги тушунарли. Нега энди ҳар учинчи ўқувчи ҳалок бўлди? Нима бу, тасодифми ёхуд қисматми?

Яқинда Америка ахборот агентликлари шундай бир хабарни тарқатдилар — бостонлик 74 ёшли нафақахўр ваннада чўмилаётиб, томоғига сув тиқилиб ўлган. Ушбу фожиани тақдирнинг аччиқ ҳикояси деб аташ мумкин, чунки бу одам бутун умри давомида қутқарув станциясида ғаввос бўлиб хизмат қилган. Ҳар гал уни яратганнинг ўзи асраган. Лекин у барибир сувда, сув оғушида жон таслим қилди. Шуни айтсалар керак-да, пешонангга ёзилгани бўлади, деб.

Мирзаали АКБАРОВ тайёрлаган.

*Атланта тараддуди*

# ЎЙИНЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

## Америка махсус хизмат ходимлари Олимпиадага қизғин ҳозирлик кўряптилар

...Номаълум жангарилар гуруҳи тушган автомашина катта тезликда Атлантанинг марказий кўчалари бўйлаб ўқдек учиб, ундаги канистрдан пуркалаётган асабни фалажлантирувчи газ атрофга тарқалиб боряпти. Айни пайтнинг ўзида, худди шу гуруҳнинг бошқа аъзолари аэропортда улкан ҳаво лайнерини йўловчилари билан қўлга олдилар. Ядровий мудофаа агентлиги ҳам ҳалокат дарагини олди: Атланта шаҳри марказига яширинча ўрнатилган ядровий қурилма тезда портлаши мумкин! Бонг урилиб, барча махсус хизмат ва полиция ходимлари оёққа турдилар: Атланта ҳавосида ҳаёт учун ўта ҳалокатли бактериялар пайдо бўлганлиги аниқланди...

Бу каби ва шунга ўхшаш қалтис, фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда қилинажак ҳаракатлар кўлами АҚШнинг барча махсус хизмат турларининг ходимлари томонидан Олимпиада ўйинлари арафасида қайта-қайта машқ қилиниб, маромига етказилмоқда. Федерал разведка бюросининг маълумотларига кўра, кутилажак хавф-хатарнинг аниқ манбалари ҳозирча аниқланмаган, аммо яқинда Нью-Йоркдаги жаҳон савдо маркази ва Оклахома-сити шаҳрида юз берган кучли портлашлар, сайёрамизда террорчилик ҳаракатлари тобора авж олаётганлиги америкалик тартиб посбонларини юз беражак бало-қазоларни даф этиш ва олдини олиш учун жиддий ҳозирлик кўришга ундайди. Атлантага Олимпиада ўйинларини кўриш учун юз минглаб оддий ишқибозлардан ташқари 40 дан зиёд давлатларнинг раҳбарлари ҳам келиши кутилмоқда. Уларни одатдагидек, махфий хизмат ходимлари қўриқлашади, аммо 17 кун давомида нисбатан кичик ҳудудда, кунига спортнинг камида етти тури бўйича мусобақалар ўтказилиши ва бунда юз бериши табиий бўлган тиқилинчда одатдаги хавфсизлик чоралари камлик қилади.

Ўз-ўзидан аёнки, Америка ҳукумати фақатгина юксак даражали меҳмонларнинг эмас, балки 19 июлдан бошлаб етиб бориши кутилаётган барча одамларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаши даркор. Шу мақсадда, АҚШ вице-президенти Альберт Гор бошчилигида махсус комиссия тузилиб, унинг аъзолари кўрилаётган барча хавфсизлик чораларини диққат билан мустаҳкамлаяптилар. Барча турдаги фавқулодда ҳолатларда фаолият кўрсатувчи ташкилотлар — Федерал разведка бюроси (ФРБ), Марказий разведка бошқармаси (МРБ), ҳарбий маҳкама (Пентагон), Миллий хавфсизлик агентлиги ва фавқулодда ҳолатлар бўйича федерал агентлиги маҳкамалари юбилей Олимпиадаси хавфсизлигини ишончли таъминлашга катта эътибор қаратмоқдалар. Воқеалар ҳалокатли тус олган тақдирда ушбу маҳкамаларнинг ходимлари умумий қутқарув ишларини олиб борадилар. Бу, албатта ҳалокатли воқеалар юз беради, дегани эмас, аммо, ҳар эҳтимолга қарши «Ҳамма нарсага тайёр туриш» уларнинг шиоридир.

Тайёргарликнинг юқорида саналган усулларини олсак, ишлар дарҳақиқат пухта ташкил этилганлигига амин бўламиз. Аммо бунинг янада ҳайратланарли ва узоқни кўзланган турлари ҳам бор. Журналистларга маълум қилинишича, Атланта шаҳрида «Универсал ахборот — мувофиқлаштириш маркази» тузилмоқда. Унда биринчи бор ФРБ, МРБ, Пентагон ва Миллий хавфсизлик агентликларининг ўнлаб ходимлари биргаликда, ёнма-ён ўтириб навбатчилик қилишлари кўзда тутиляпти. Мақсад — қайси бир соҳа бўйича ташвишли сигнал олинмасин, шу заҳотиёқ ундан барча махсус хизмат маҳкамаларини хабардор этишдир. Олимпиада ўйинлари давомида Пентагон ядро уруши бошланган тақдирда ҳарбий ҳаракатларни бошқарув маркази сифатида махсус жиҳозланган самолётни доимий тайёргарлик ҳолатида сақлайди. Фавқулодда ҳолатлар бўйича федерал агентлигининг махсус гуруҳи бу самолётда бир зумда Атлантага етиб келиши мумкин.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу штатнинг ўзида, шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойда улкан фургон — юк машиналари турувчи база мавжуд. Бу фургонлар «совуқ уруш» даврида яратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 100 тадан одам 10 кун мобайнида тоза сув ва ҳаво билан таъминланиб, ядро ва кимёвий портлаш асоратларидан омон сақланиши мумкин. Буйруқ олингани заҳоти мудофаа вазирлигининг терроризмга қарши барча махсус бўлинмалари Атлантага учиб келади. Қонунга кўра, бу бўлинмалар ички тартибсизликларни бостиришда қатнашмаслиги керак. Бироқ, Оқ уйда махсус директива матни ҳозирланган, унга президент имзо чеккани заҳот ҳарбийлар ҳам жангга ташланадилар. Хуллас Атланта шаҳри жойлашган Жоржия штати сенатори Сэм Ланнинг сўзлари билан қисқача қилиб айтсак, «Хавфсизлик нуқтаи назаридан олганда Атланта Олимпиадаси бу ўйинлар бошланганидан бери энг пухта ташкил этилган тадбир бўлади».

Бу гап тартиб посбонларининг сони жиҳатидангина ошириб айтилгани йўқ. 1984 йилги Лос-Анжелес ўйинларини 12 минг нафар махсус хизмат ходимлари қўриқлашган бўлса, Атлантада уларнинг сони икки ярим баробар ортиқ, бунинг устига юқорида саналган заҳира кучларини ҳам қўшиш лозим. Бу чоралар албатта, анча қимматга тушади. Биргина Пентагоннинг «олимпиада бюджети» 50 миллион долларни ташкил этар экан. Бошқа хизмат турлари эса харажатлар миқдорини сир сақлашмоқда. Жоржия штатининг ўзи бу мақсадлар учун камида 25 миллион доллар ажратяпти. Аммо, бу каби барча харажатлар келиши кутилаётган 1,5-2 миллион нафар туристлардан тушажак фойда эвазига ортиғи билан қопланади.

Тасаввурдаги хавф-хатарни кимлардан кутиш мумкин? Контртерроризм мутахассисларининг фикрича, чеченлар, курдлар, серблар ва ислом ақидапарастларидан доимо огоҳ бўлиш лозим. Бундан ташқари, Филиппин ва Таиланддаги ҳукуматга қарши қуролли кучлар ҳам имкониятдан фойдаланиб, ўз «ҳунар»ларини кўрсатишга уринишлари мумкин. Олимпиаданинг баъзи қатнашчилари орасида ўзаро миллий келишмовчиликлар бўлиб, бу ҳам можарога айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо Америка ҳукумати чеченлар-у серблардан эмас, ҳаммасидан ҳам кўра ўз фуқароларидан кўпроқ ҳадиксираб турибди. Охирги пайтларда улар ҳар қандай чет эллик террорчилардан кўра кутилмаган ва шафқатсиз эканликларини намойиш этмоқдалар. Чет элликлар-ку, ҳаммаси ҳисобда, аммо Оклахома-ситидаги портлашнинг «қаҳрамони», оддий фермер Маквей каби нусхалар Олимпиада шаҳрида ҳам пайт пойлаб, биқиниб ётмаяптимикан?

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУСУСИЙ ХОНАДОНЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

**«СУВСОЗ» ТРЕСТИ**

**ЭСЛАТИБ ЎТАДИ**

Томорқа экинларини, йўлкалар, майдонлар ва хиёбонларни сувқувур тармоғи орқали суғориш

**ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНАДИ**

Экинлар ва дарахтларни айрим ҳоллардагина тунда соат 23.00 дан 6.00 гача суғоришга рухсат этилади.

Суғориш ҳақи эркин шартномавий нархларнинг икки баравари ҳажмида, яъни: 1 м2 га — 5,5 м3 — 2 сўм 09 тийин тўланади (Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар аҳолиси учун сувқувур ва канализация хизматлари тарифи»ни тасдиқлаш ҳақидаги 54-Ф сонли 1996 йил 29 январдаги фармонига мувофиқ амалга оширилади).

Белгиланган вақтлардан ташқари рухсатсиз суғориш ҳоллари аниқланган тақдирда суғориш ҳақи энг юқори босим шароитида сувқувур тармоғи тўлиқ меъёрида ишланган пайтдаги бир ойлик тўлов ҳақи миқдорида пул ундирилади.

**ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!**

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, сувқувур тармоғи қўшимча огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН: 56-62-45.**

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

**МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Мана ниҳоят Сизнинг мўътабар хонадонингизда ҳам карнай ва сурнай садоларининг дилни яйратувчи оҳанглари янграшига саноқли кунлар қолди. Сиз ўз ҳалол меҳнатингиз эвазига топган неъматлар билан дастурхон ёзиб, ўзбекнинг энг ажойиб удуми бўлмиш тўй қилмоқдасиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ

Сизни бу улуғ айём билан табриклаш билан бирга, хонадонингизда тўй оқшомини чароғон қилиб берадиган, электр ҳисоблагичдан ташқари тўғридан-тўғри уланадиган катта қувватли электр чироқлари учун ҳам ҳисоб-китоб қилиб, ҳақини тўлаб кетишингиз шарт эканлигини

**ЭСЛАТИБ ЎТИШНИ ЛОЗИМ ТОПДИ.**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 101-уй, Энергияни сотиш бўлими, 6-хона.

**В.А.БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

***БЎШ ЎРИНГА***

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Гляциология бўлимига катта илмий ходим.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

***Ҳужжатларни директор номига қуйидаги манзилга юборинг: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 72-уй.***

***Телефон: 35-83-50.***

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги

ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

**КАТТА ИШ ЮРИТУВЧИ ва МАШИНИСТКА**

лавозимига

ўзбек ва рус тилларини мукаммал ўзлаштирган 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёлларни;

**ҲУҚУҚШУНОС** лавозимига юридик маълумотга эга фуқароларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Манзилимиз: Мирobод тумани, К. Цеткин кўчаси, 58-уй.

Телефонлар: 33-37-83, 56-62-87.

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА МЕҲМОНЛАР!**

**«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» КОРХОНАСИ СИЗЛАРГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,**

букланган, шикастланган, ғижимланган, ифлос қилинган (шу жумладан елим изи қолган) ёки почта жўнатмаларини расмийлаштиришга дахли бўлмаган ёзувлари, белгилари ва ёпиштиргичлари (наклейкалари) бўлган хат ҳамда карточкалар белгиланган манзилларига

**ЮБОРИЛМАЙДИ.**

Сизнинг хат-хабарларингиз ўз вақтида етиб бориши учун фақат манзилгоҳ тўғри ёзилиши ва унинг тўлови Ўзбекистон Республикаси почта маркаларидан иборат бўлиши шарт.

Ушбу кўрсатмаларга амал қилинмаса почта жўнатмалари жўнатувчига қайтариб юборилади.

***«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.***

Ҳамза туманидаги «Профинфотех» ҳиссадорлик жамияти тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 68-83-24 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жамоаси Марказ ходими З.Йўлдошевга умр йўлдоши

**Муҳайё ЙЎЛДОШЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. v Буюртма Г-0247. v Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. v Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. v Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. v Босмага топшириш вақти 11.30. v Босишга топширилди: 11.30. 6.193 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.